

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ КАМОЛИДДИН ШЕРАЛИЕВИЧ

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА УЧРАГАН БЎЗ ТУПРОҚЛАР
ШАРОИТИДА КУЗГИ БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШДА
РЕСУРСТЕЖАМКОР АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ АСОСЛАШ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Бозоров Камолиддин Шералиевич

Ирригация эрозиясига учраган бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой
етиштиришда ресурстежамкор агротехнологиялар самарадорлигини
асослаш 5

Бозоров Камолиддин Шералиевич

Обоснавание эффективности ресурсосберегающих агротехнологий при
возделывании озимой пшеницы на ирригационно-эродированных
сероземных почвах 21

Bozorov Kamoliddin Sheraliyevich

To proof the effective of resourse - economical agrotechnologiyes for nearing
winter wheat in the fields with irrigation erosion 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ КАМОЛИДДИН ШЕРАЛИЕВИЧ

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА УЧРАГАН БЎЗ ТУПРОҚЛАР
ШАРОИТИДА КУЗГИ БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШДА
РЕСУРСТЕЖАМКОР АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ АСОСЛАШ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx175 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида (собик Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида, www.E-mail.Paxtauz@mail.ru порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мўминов Комил Мўминович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: **Саломов Шавкат Туробович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Ҳошимов Иброҳим Набиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.


Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**


Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашининг «28» 08 2020 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz.


Фалсафа доктори (PhD) диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.

Диссертация автореферати 2020 йил «22» 08 куни тарқатилди.
(2020 йил «22» 08 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



 **Ш.Н.Нурматов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

 **Ф.М.Хасанова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

 **Ж.Х.Ахмедов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича деградацияга учраган ерлар 1,964 млн. гектарни, шундан сув эрозияси жараёни 55,7 %, тупроқда озик моддалар микдорининг камайиши, шўрланиш, ифлосланиш жараёнлари туфайли 12,2 % ва зичланиш, жарланиш таъсирида 4,2 % ерларнинг ҳолати ёмонлашиб, ҳар йили 6 - 7 млн. гектар ер майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланувидан чиқиб кетмоқда. Ҳозирда дунёнинг 132 дан ортиқ мамлакатларида 235,9 млн. гектардан кўпроқ майдонларида буғдой экилиб, 755,2 млн. тонна дон етиштирилмоқда. Дунё бўйича 1,094 млн. гектар деҳқончилик қилинадиган ерлар ирригация эрозиясига учраган ва ушбу майдонларнинг асосий қисми Осиё, Африка, Жанубий Америка давлатларига тўғри келади ва ҳар йили 400 миллиард долларгача зарар етказмоқда¹.

Дунёда буғдой етиштирувчи бир қатор йирик давлатларда ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаш эвазига эрозия жараёнларининг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, шунингдек, тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурлигини тўғри танлаш, минерал ўғитларни тежаш ҳисобига экинлар ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга ҳамда суғориш сувлари билан тупроқ, ундаги озик моддаларнинг ювилиб кетишини олдини олишга эришилмоқда. Шу жумладан, озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда, кузги буғдой етиштиришда тупроқларни ювилишдан сақлаш, эрозия жараёнларининг олдини олишда асосий ишлов бериш усули ва чуқурлигини, минерал ўғитларни табақалаштириб қўллашнинг ресурстежамкор агротехнологияларининг самарадорлигини илмий жиҳатдан асослаш долзарб масала ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришда тупроқ унумдорлигини сақлаш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда минтақаларнинг тупроқ иқлим шароитига мос бўлган асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурлиги ҳамда минерал ўғитларни тежовчи самарали меъёрларини ва ресурстежамкор агротехнологияларини кенг жорий қилиш бўйича зарурий илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармонида 3.3 «қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатини яхшилаш, замонавий ресурстежамкор агротехнологияларини жорий этиш²» муҳим стратегик

¹ Land Degradation Assessment, FAO, 2018

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва минерал ўғитлар меъёрларини табақалаштириб қўллаш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимизнинг суғорма деҳқончилигида ирригация эрозиясининг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш бўйича В.Гуссак, Қ.Мирзажанов, Б.Қамбаров, Х.Махсудов, Ҳ.Ҳамдамов, Л.Гафурова, Ш.Нурматов, Ф.Ҳошимов, К.Мўминов, Ш.Холиқулов, И.Ҳошимовлар ҳамда кузги буғдойдан мўл ва сифатли дон ҳосили етиштиришда тупроққа ишлов беришнинг ҳар хил усулларини, минерал ва маҳаллий ўғитларни табақалаштириб қўллаш ва меъёрларини аниқлаш бўйича Ҳ.Атабаева, Р.Сиддиқов, Н.Халилов, Б.Холиқов, Т.Жалолов, Ф.Ҳасанова, Ф.Намозов, С.Абдурахмонов, И.Қорабобоев, А.Жўраевлар ҳамда хориж олимлари М.Заславский, М.Кузнецов, П.Трегубов, Н.Mashhadi, R.Pandey, Н.Blancko, В.Rudzon ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган ва ишлаб чиқаришга тавсиялар берилган. Аммо, Самарқанд вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларида кузги буғдой етиштиришда тупроққа асосий ишлов беришнинг турли усуллари, чуқурлиги ва минерал ўғитларни табақалаштириб қўллаш меъёрларининг тупроқ ва озика элементларини ювилишига ҳамда ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири мажмуада етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг (собик, ҳозирда Самарқанд ветеринария медицинаси институти) илмий тадқиқот режасининг 01980004512-рақамли «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илмий жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи

янги ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш» нинг алоҳида бир бўлими доирасида бажарилган (2015 - 2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида тупроққа асосий ишлов беришнинг мақбул усули ва чуқурлигини ҳамда минерал ўғитларни табақалаштириб қўллаш орқали, тупроқ ва озиқа моддаларни ювилишдан сақлаш, кузги буғдой дон ҳосили ва сифатини оширишни таъминлайдиган ресурстежамкор агротехнологиялар самарадорлигини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларнинг агрофизикавий, агрохимёвий, микробиологик ҳамда тупроқ ва озиқа элементларини ювилишига тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва ўғитлар меъёрларининг таъсирини ўрганиш;

тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва ўғитлар меъёрларини табақалаштириб қўллашни кузги буғдой уруғларининг унувчанлигига, кишлаб чиқиши ва туп сонига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдойнинг ўсиши, умумий ва маҳсулдор пояларнинг шаклланиши, илдиз тизимининг ривожланиши ва массасига, бегона ўтлар тури ва сонига тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва ўғитлар меъёрларининг таъсирини баҳолаш;

тупроққа турлича ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва ўғитлар меъёрларини табақалаштириб қўллашни кузги буғдой ҳосил элементларининг биометрик кўрсаткичлари, дон ҳосили ва унинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

кузги буғдой етиштиришда қўлланилган ресурстежамкор агротехнологияларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари, тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва минерал ўғитлар меъёрлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хусусиятлари, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, илдиз тизимининг ривожланиши ва массаси, бегона ўтлар сони, дон ҳосили ва унинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш синови тажрибаларини ўтказишда «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Методика полевых опытов с зерновыми культурами», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалари бўйича, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси асосида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хусусиятларига тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва

минерал ўғитлар меъёрларини табақалаштириб қўллашнинг таъсири аниқланган;

тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва минерал ўғитлар меъёрларини табақалаштириб қўллашнинг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларнинг унумдор қатлами ва улар билан озиқа элементларининг ювилишини олдини олишга таъсири аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой уруғларининг униб чиқиши, ўсиб ривожланиши, илдиз тизимини тупроқ қатламлари бўйича тарқалиши, бегона ўтлар билан ифлосланишининг камайиши, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш учун энг мақбул шароитни таъминловчи тупроққа ишлов бериш усули, чуқурлиги ва минерал ўғитларни табақалаштириб қўллашнинг ресурстежамкор агротехнологияси самарадорлиги асосланган;

кузги буғдой етиштиришда қўлланилган ресурстежамкор агротехнологияларни иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотларда кузги буғдой етиштиришда ерларни 32-35 см чуқурликда контур усулида шудгорлаш, даланинг тупроғи ювилмаган қисмида $N_{200}P_{140}K_{100}$, кучли ювилганида $N_{240}P_{168}K_{120}$ ва оқова тўпланган қисмида $N_{100}P_{70}K_{50}$ кг/га меъёрларида табақалаштириб қўллаб парваришланганда, тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги оддий шудгорлаш, чизеллашга нисбатан 38,9-43,7 м³/га ортганлиги, тупроқларни ювилиб кетиши эса тегишлича 3.70-4,67 т/га камайганлиги аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган бўз тупроқларни агрохимёвий, сув-физикавий ва микробиологик хоссаларини яхшилаш ҳамда кузги буғдой ҳосилдорлигини ошириш мақсадида шудгорлашни контур усулида 32-35 см чуқурликда ўтказиш, минерал ўғитларни табақалаштириб қўллашнинг мақбул ресурстежамкор агротехнологиялари самарадорлиги асосланган;

ирригация эрозиясига учраган тупроқлар шароитида шудгорлашни 32-35 см чуқурликда контур усулида ўтказиш ва минерал ўғитларни табақалаштириб қўллаш эвазига ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши мақбуллашиб, буғдойдан мўл (60,5 ц/га) ва сифатли (оқсил 14,3-15,6; клейковина 29,7-33,1 %) дон ҳосили етиштиришга эришилган, натижада мавжуд сув ва минерал ўғитлар ресурсларининг 25-30 % га тежалиши ҳисобига ҳар бир гектар ҳисобига олинадиган соф даромад 1315140 сўм/га, рентабеллик даражаси эса 22,6 % га ортганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотларида лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланган ҳолда ирригация эрозиясига учраган бўз тупроқларда кузги буғдой етиштиришда шудгорлаш усуллари, чуқурлиги ва ўғитларни табақалаштириб қўллашнинг ресурстежамкор агротехнологиясини самарадорлигини асослаш, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, олинган натижаларга математик-статистик ишлов берилганлиги, натижалар ва хулосаларнинг асосланганлиги ҳамда уларнинг республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тадқиқотда олинган натижаларнинг

ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги ва жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Самарқанд вилоятининг ирригация эрозиясига учраган бўз тупроқлар шароитида тупроқларнинг ювилишини камайтирувчи, унумдорлигини сақловчи тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва ўғитларни табақалаштириб қўллаш меъёрларининг ресурстежамкор агротехнологиялари самарадорлигининг асосланиши, деҳқончилик фани соҳасидаги мавжуд назарий ва амалий манбаларни тўлдирилганлиги, ушбу шароитда кузги буғдойдан мўл, сифатли ва экологик тоза маҳсулот етиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ирригация эрозиясига учраган бўз тупроқларни ювилишдан сақлаш, унумдорлигини ошириш, ушбу шароитда етиштирилаётган кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда шудгорлаш усули, чуқурлиги ҳамда ўғитларни табақалаштириб қўллашни ресурстежамкор агротехнологияси бўйича илмий асосланган аниқ тавсиялар берилганлиги ҳамда ушбу тавсиялар асосидаги агротехник тадбирлар ишлаб чиқаришда кенг миқёсда қўлланилиши эвазига юқори иқтисодий самарадорлик ва рентабелликка эришилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ирригация эрозиясига учраган бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда ресурстежамкор агротехнологиялар самарадорлигини асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришда ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаш» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги 02-021-199 сонли маълумотномаси). Бугунги кунда ушбу тавсиялар Самарқанд вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилган;

тупроққа турли усулларда, чуқурликда ишлов бериш ва минерал ўғитларни табақалаштириб қўллаш технологиялари Самарқанд вилоятининг Булунғур (36,6га), Жомбой (60,3 га) ва Пастдарғом (136,3 га) туманларида, жами 233,2 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги 02/021-199 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқларни ювилиши 4,67 т/га камайиб, тупроқдаги гумус миқдори 0,002-0,003% га, нитратли азот 3,5-4,4; ҳаракатчан фосфор 2,8-3,6 ва алмашинувчан калий миқдори 26-32 мг/кг га ортиши, тупроқ ҳажм массасини 0,03-0,05 г/см³ камайиши, ғовакликни 2,2-3,4% ва сув ўтказувчанлигини 38-46 м³/га юқори бўлиши таъминланган;

ирригация эрозиясига учраган бўз тупроқлар шароитида тупроққа контур усулида 32-35 см чуқурликда ишлов бериб, минерал ўғитларни даланинг тупроғи ювилмаган қисмида $N_{200}P_{140}K_{100}$, кучли ювилганида $N_{240}P_{168}K_{120}$ ва оқова тўпланган майдонларда $N_{100}P_{70}K_{50}$ кг/га меъёрларда табақалаштириб қўллаш асосидаги ресуртежамкор агротехнология 48,7 гектар майдонга жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги 02/021-199 сонли маълумотномаси). Натижада кузги буғдойдан энг юқори ҳосилдорлик 58,6-60,2 ц/га, 1909930-2005186 сўм/га соф фойда олишни таъминлаб, рентабеллик даражаси 37,1-37,2 % ни ташкил этган;

бегона ўтлар билан, айниқса, уларнинг кўп йиллик турлари билан кам ифлосланган ерларда минерал ўғитлар меъёрларини табақалаштириб қўллаш ва чизел билан 15-18 см чуқурликда асосий ишлов беришнинг ресуртежамкор технологияси 184,5 гектар майдонга жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги 02/021-199 сонли маълумотномаси). Натижада кузги буғдойдан энг юқори ҳосилдорлик 57,4-61,2 ц/га, 1908920-2006194 сўм/га соф фойда, рентабеллик даражаси 36,3-37,1 % ни ташкил этган. Бунинг натижасида сув ва минерал ўғитлар 25-30 % га тежалиб, ҳар бир гектар ҳисобига ўртача 39,2-43,1 ц/га қўшимча дон ҳосили, 1232350-1309249 сўм/га соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 21,4-22,5 фоизга ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг (собик) махсус комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ҳамда диссертация ишининг асосий илмий натижалари халқаро ва республика илмий амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 8 та мақола Республика илмий журналларида ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий

баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тупроқ унумдорлиги, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига эрозия жараёнларининг салбий таъсири ҳамда уни бартараф этишда тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва ўғитлар самарадорлиги бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилаётган омиллар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, эрозия жараёнларининг салбий оқибатларини камайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда тупроққа турлича ишлов бериш усуллари ва чуқурлигининг аҳамияти, кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда минерал ўғитлар меъёрларини ресурстежамкор технологияда табақалаштириб қўллаш борасидаги маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бундан ташқари, адабиётлар таҳлилларига асосланиб ресурстежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий қилиш зарурияти бўйича хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг тупроқ иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари ҳамда агротехник тадбирлар қайд қилинган. Тажриба ўтказилган майдон тупроқлари қадимдан суғорилиб келинаётган, ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар бўлиб, механик таркибига кўра ўртача ва енгил қумоқли, грунт сувлари сатҳи чуқур (14-16 м) жойлашган. Тажриба ўтказилган майдон шимолий экспозицияда жойлашган бўлиб, қиялиги 0,004-0,005 м ни ташкил қилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Дала тажрибалари 2015-2018 йиллари Самарқанд вилояти Булунғур тумани «Рустамбек» фермер хўжалиги дала шароитида ўтказилиб, барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007), тупроқларни агрохимёвий, агрофизикавий ва микробиологик таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963), услубий қўлланмалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Тажриба даласида 0-20 ва 20-40 см чуқурликдан тупроқ намуналари олиниб, агрохимёвий таҳлиллар олиб борилган, гумус миқдори И.В.Тюрин (ГОСТ-26213), нитратли азот ионоселектив (ГОСТ-13496-10), ялли азот, фосфор ва калий битта намунада И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчан калий П.В.Протасов усулида аниқланган. Тупроқларни ювилиши Х.М.Махсудов усулида, тупроқнинг ҳажм массаси 4-такрорликда цилиндр усулида, солиштирама массаси 4-такрорликда пикнометрик усулда, тупроқни ғоваклиги ҳисоблаш усулида, сув ўтказувчанлиги 10-такрорликда Н.А.Качинский бўйича амалга оширилган. Тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурликларини

тупроқдаги микроорганизмларга таъсири гўшт пептонли агарда (МПА), Чапек муҳити (среда Чапека), крахмал аммиакли агарда (КАА) услублари бўйича, тажриба майдонидаги бегона ўтларнинг тури ва сони академик А.И.Мальцевнинг маршрут ёки чамалаш усулида 4-балли шкаласи бўйича аниқланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажрибалар 18 вариант, 4 такрорлашда бир ярусда олиб борилган. Ҳар бир пайкалчанинг умумий майдони 784 м² (эгат узунлиги 140 м, шундан: 52 м тупроғи ювилмаган, 58 м кучли ювилган ва 30 м ювилиб тўпланган тупроқ, эни 8 қатор х 0,7 м = 784 м²), шундан ҳисобга олингани 392 м² ни ташкил этган.

Тажриба тузилмаларида ерга ҳар хил усул ва чуқурликларда асосий ишлов бериш (шудгор нишабликнинг узунасига 25-28 ва 32-35 см, шудгор контур усулида 25-28 ва 32-35 см, чизел билан 10-12 ва 15-18 см чуқурликда), уруғ экиш меъёри (5,0 млн дона) ҳамда минерал ўғитларни табақалаштириб қўллашни уч хил меъёрлари (майдоннинг тупроғи ювилмаган қисмида N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀, кучли ювилганида N₂₄₀P₁₆₈K₁₂₀ ва оқова тўпланган қисмида N₁₀₀P₇₀K₅₀ кг/га) қўлланилиб, кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланиши, дон ҳосилдорлигига ва тупроқ заррачаларининг ҳамда озиқ моддаларнинг ювилишига таъсири уч йил (2015-2018 йй.) давомида ўрганилган.

Тажриба даласи тупроғининг агрохимёвий хусусиятлари амал даврининг бошида 0-20 ва 20-40 см қатламларидан тупроқ намуналари олиниб таҳлил қилинганда, гумус миқдори қатламларга мос равишда майдоннинг тупроғи ювилмаган қисмида 1,05-0,91 %, ялпи азот 0,12-0,10, фосфор 0,26-0,23, калий 2,30-2,26 %, ҳаракатчан шакллари P₂O₅ 20,4-17,6 K₂O 320-340 мг/кг ни, тупроқ кучли ювилган ерларда тегишлича 0,81-0,69 %, 0,09-0,06, 0,15-0,13, 1,91-1,76 % ва 15,1-11,8, 260-220 мг/кг ни ташкил этганлиги қайд этилган.


Тажриба даласидаги барча фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчашлар, 1000 дона дон массаси, доннинг шишасимонлиги ва натураси ГОСТ-9353-84 бўйича, дон таркибидаги оқсил - Барнштейн усулида, ҳосилдорлик - дондаги намлик стандарт (14 %) ҳолатга келтирилиб, ГОСТ-13586-593 бўйича аниқланган. Олиб борилган барча агротехник тадбирлар жорий этилган агротавсиялар асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва ўғитлар меъёрларини унинг агрофизикавий, агрохимёвий микробиологик ҳамда тупроқ ва озиқа элементларини ювилишига таъсири**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва ўғитлар меъёрларини тупроқнинг агрофизикавий хоссалари, яъни ҳажм массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги, агрохимёвий ва микробиологик хоссалари, тупроқ ва озиқа элементларини ювилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Тадқиқотларда шудгорлаш контур усулида 25-28 ва 32-35 см чуқурликда ўтказилган вариантларнинг ҳайдалма (0-20 см) қатламидаги ҳажм массаси ва ғоваклиги, амал даври охирида, дастлабки (1,32-1,30 г/см³ ва 50,6-51,8 %) кўрсаткичларга нисбатан 0,04-0,03 г/см³ га ошганлиги, 1,3-1,6 % га камайганлиги, тупроққа чизел билан 10-12 ва 15-18 см чуқурликда ишлов

берилган вариантларнинг тупроқ ҳажм массасини бошланғич кўрсаткичларига қараганда 0,03-0,02 г/см³га ортганлиги ва ғоваклигини эса 1,7-1,5 % га камайганлиги қайд этилган (1-расм). Умуман, тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва чуқурлиги ўртасида ($r=0,87$) ҳамда тупроқ ҳажм массаси ўртасида кучли ижобий корреляцион боғлиқлик ($r=80$) мавжудлиги аниқланган.

Тажриба даласининг тупроғи кучли ювилган майдонларда шудгорлаш контур усулида 32-35 см чуқурликда ўтказилган майдонларда кузги буғдой уруғларини экишдан олдин ўртача 3 йилда жами 6 соат давомида 585,2, амал даврининг охирида эса 458,1 м³/га сув сингдирган, бу кўрсаткичлар, шудгорлаш нишабликнинг узунасига 32-35 см чуқурликда ўтказилган назоратга нисбатан мос равишда 25,8 ва 38,9 м³/га, чизел билан 10-12 ва 15-18 см чуқурликда ишлов берилган тупроқларга нисбатан тегишлича 115,1 ва 87,7 м³/га меъёрда кўпроқ сув сингишини таъминлаганлиги қайд этилган.



1-расм. Ерга ишлов бериш усуллари ва чуқурлигини тупроқ ҳажм массасига таъсири, г/см³ (0-20 см қатлам, 2015-2018 йй.)

Тадқиқот олиб борилган майдонларда амал даври бошида ва охирида тупроқнинг агрохимёвий хоссалари натижалари таҳлилига кўра, амал даврининг бошида тупроғи кучли ювилган майдонларнинг 0-20 см қатламидаги гумус, ялпи NPK ва уларнинг ҳаракатчан шакллари миқдори, тажрибанинг барча ўрганилган вариантларида тегишлича 0,91-1,18 % ни, ялпи азот 0,09-0,14, фосфор 0,17-0,23, калий 1,82-2,20 % ни, азот нитрат 10,3-21,8, ҳаракатчан фосфор 10,6-19,8, алмашинувчан калий 260-320 мг/кг ни ташкил этган. Амал даврининг охирида шудгорлаш нишабликнинг узунасига 32-35 см чуқурликда ўтказилган майдонларда бу кўрсаткичлар юқоридагиларга мос равишда 0,13; 0,03; 0,03; 0,23 % га ва 5,1; 4,4; 20 мг/кг га, чизел билан 10-12 ва 15-18 см чуқурликда ишлов берилган майдонларнинг 0-20 см қатламида гумусни 0,14-0,12 %, ялпи NPK ни 0,05-0,03; 0,04-0,03; 0,23-0,21 % га ҳамда 5,2-4,1; 5,3-3,7; 30-20 мг/кг га камайган. Шудгорлаш контур усулида 25-28 ва 32-35 см чуқурликда ўтказилган майдонларнинг 0-20 см қатламидаги гумус миқдорини амал даври охирида

дастлабки кўрсаткичига нисбатан юқори эканлиги ҳамда энг юқори миқдорда азот нитрат 25,6-28,2, ҳаракатчан фосфор 21,6-24,4 ва алмашинувчан калий 310-321 мг/кг сақланиши ҳисобга олинган.


Тадқиқотларда тупроққа ишлов бериш усуллари ва чуқурлигини тупроқ микрофлорасига таъсирини кўрсатишича, тупроғи ювилган майдонларнинг 0-20 см қатламида бактериялар сони, шудгор 25-28 ва 32-35 см чуқурликда ўтказилган назорат вариантлари тупроқлари таркибида кузги буғдойнинг амал даври бошида 43,8 ва 45,3 млн дона, азотофиксаторлар - 40,3-34,8, нитрификаторлар 42,7-43,5, замбуруғлар 62,4-60,7 минг дона ва актиномицетлар 40,6-37,8 млн дона 1 г тупроқда аниқланган бўлса, бу кўрсаткичлар контур усулида 25-28 ва 32-35 см чуқурликда шудгор қилинганда тегишлича 3,8 ва 5,6 млн дона юқори, 2,2-9,7; 3,0-9,7; 3,1-8,2 минг дона ва 2,2-5,3 млн дона кўп, чизел билан 10-12 ва 15-18 см чуқурликда ишлов берилганда 10,8-9,7 кўп, 4,0-4,2 кам, 2,1-1,5; 8,0-9,5 кўп ва 5,8-8,2 млн дона 1 г тупроқда кўп бўлганлиги аниқланган. Шундай қилиб, тупроғи кучли ювилган майдонларда шудгорлаш контур усулида 32-35 ва чизеллаш 15-18 см чуқурликда ўтказилганда, тупроқдаги фойдали микроорганизмлар сони ортиб, уларнинг фаолияти жадаллашиб, эрозияга учраган тупроқлар унумдорлигини ортишига ижобий таъсири баён қилинган.

Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида шудгор нишабликнинг узунасига 25-28 ва 32-35 см чуқурликда ўғитларни ($N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га) фонида ўтказилган вариантларни 1 ва 2 суғоришларда оқовадаги сувда тегишлича 21,50-24,34 ва 19,25-22,68 г/л лойқа мавжуд бўлган бўлса, шудгорлаш контур усулида кўрсатиб ўтилган чуқурликда ўтказилган ва ўғит ишлатилмаган назорат вариантларда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 3,39-5,18 ва 3,41-5,76 г/л кам, чизел билан 10-12 ва 15-18 см чуқурликда ишлов берилган вариантларда эса 0,13-0,84 г/л кўп ва 1,28-0,04 г/л кам ёки суғориш мавсумида жами 10,47 т/га (1-вариант) дан 4,07 т/га гача (8-вариант) тупроқ ювилиб кетганлиги ҳисобга олинган (2-расм).

Тупроққа ишлов бериш контур усулида 32-35 ва чизел билан 15-18 см чуқурликларда ўтказилган, тупроғи ювилмаган майдонларда $N_{200}P_{140}K_{100}$, кучли ювилганида $N_{240}P_{168}K_{120}$ кг/га меъёрларида табақалаштириб қўлланилган майдонларда тупроқ заррачаларини 4,67 ва 3,7 т/га, гумусни 16,1-10,8; фосфорни 4,5-3,5; калийни 4,7-2,9 кг, шудгор нишабликнинг узунасига 25-28, 32-35 см ва чизеллаш 10-12 см чуқурликда ўтказилганига нисбатан кам ювилишини таъминлаганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «**Эрозияга учраган типик бўз тупроқларда кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатига тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва озиклантириш шароитларининг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдой уруғларининг унувчанлиги, қишлаб чиқиши, ривожланиш даврлари, умумий ва маҳсулдор поялар сони, илдиз тизимининг ривожланиши, бегона ўтларнинг тарқалишига, ҳосил структураси, дон ҳосили ва сифатига тупроқларга ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва минерал ўғит меъёрларини

ресурстежамкор технологияда табақалаштириб қўллашни таъсири бўйича маълумотлар берилган.



2-расм. Тупроққа ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва ўғит меъёрларини кузги буғдойнинг амал даврида озик моддаларнинг ювилишига таъсири (ўртача 2015-2017 йй.)

Тадқиқотларда шудгор 25-28 ва 32-35 см чуқурликларда контур усулида ўтказилган ва $N_{240}P_{168}K_{120}$, $N_{200}P_{140}K_{100}$, $N_{100}P_{70}K_{50}$ кг/га қўлланилган вариантларда уруғларнинг унувчанлиги, майдоннинг тупроғи ювилмаган ва кучли ювилган қисмида ўртача 86,5-88,9; 87,4-90,5 % ва 85,1-88,0; 86,8-89,7 % га тенг бўлган бўлса, кўрсатилган ўғитлар меъёрларида тупроққа ишлов бериш 10-12 ва 15-18 см чуқурликда чизел билан ўтказилган вариантларда уруғларнинг унувчанлиги 4,6 ва 8,10 вариантларга нисбатан тупроғи ювилмаган майдонларда 3,7-4,2; 3,6-5,2 % ва 3,1-4,8; 4,7-5,6 % га кам бўлганлиги ҳисобга олинган. Тажриба даласида шудгорлаш контур усулида юқорида кўрсатилган чуқурликларда ва ўғитлар қўлланилган вариантларнинг тупроғи кучли ювилган қисмидаги ўсимликларда, нишабликнинг узунасига шудгор ўтказилган вариантга нисбатан 1,4-1,9; 4,0-4,3 % га юқори, сийракланиши 1,4-1,9; 4,0-4,3 % га кам, амал даври охирида сақланиб қолган ўсимликлар 1,9-3,3; 3,0-4,5 % га юқори бўлганлиги ҳисобга олинган.

Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг ривожланиши ва амал даврининг давомийлиги, тупроққа ишлов бериш усуллари ва чуқурлигига боғлиқ ҳолда тажриба майдонининг тупроғи ювилмаган, кучли ювилган ва оқова тўпланган қисмларида 3-5 кунга тезлашган бўлса, минерал ўғитлар ($N_{240}P_{168}K_{120}$, ва $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га) қўлланилганда амал даври 4-6 кунга узайган. Ушбу шароитда, кузги буғдойнинг ривожланиш ва амал даврининг давомийлиги учун энг қулай шароит чизел билан 15-18 см ва 32-35 см чуқурликда контур усулида ишлов берилганда, яратилиб, кузги буғдойнинг амал даври тегишлича 234-236 ва 238-240 кунни ташкил этганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда шудгорлаш контур усулида 25-28 ва 32-35 см чуқурликда ўтказилган ва ўғитлар ($N_{240}P_{168}K_{120}$, $N_{200}P_{140}K_{100}$, $N_{100}P_{70}K_{50}$ кг/га) қўлланилган

вариантлардаги ўсимликларнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сони назорат (ўғитсиз) тупроғи ювилмаган майдондагига нисбатан тегишлича 14,3-4,9; 17,7-5,4 см, 79,1-41,3; 85,8-37,8 ва 88,3-43,9; 116,2-53,0 дона, кучли ювилганида 14,9-5,3 ва 18,6-5,5 см, 84,1-50,0; 115,2-62,1 ва 118,9-53,9; 144,6-81,5 донага юқори, ушбу кўрсаткичлар юқоридаги ўғитлар меъёрида 10-12 ва 15-18 см чуқурликда чизел билан ишлов берилган майдонларда мос равишда 9,7-4,0; 10,7-4,4 см, 54,8-20,7; 56,8-36,1 ва 75,2-50,8; 80,3-66,5 донага кам эканлиги аниқланган.

Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришда, шудгор контур усулида 32-35 см чуқурликда ўтказилган ва минерал ўғитлар тупроғи ювилмаган ерларда $N_{200}P_{140}K_{100}$, кучли ювилганида $N_{240}P_{168}K_{120}$ ва оқова тўпланган қисмларида $N_{100}P_{70}K_{50}$ кг/га меъёрларда ресурстежамкор технологияда табақалаштириб қўлланилган майдонларда ўсимлик илдиз тизимини жадал ривожланиши (тупроқни 0-25 см қатламида 54,56-53,41 ва 25-50 см да 23,72-24,09 % илдиз қуруқ массаси ҳосил бўлган), ўсимликни сув ва озик моддаларга бўлган талабини узлуксиз таъминлаб, кучли ривожланган илдиз тизими тупроқ ва озик элементларини ювилишдан сақлаб, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш учун замин яратганлиги аниқланган.


Тадқиқотларда тупроққа асосий ишлов бериш контур усулида 32-35 см чуқурликда ўтказилган майдонларда жами бегона ўтларни буғдойни амал даври охирида дастлабкисига нисбатан 28 (44,2 %), кам йилликларни - 23 (43,9 %), кўп йилликларни эса - 5 (44,4 %) дона/м²да камайганлиги кузатилган. Ушбу шароитда тупроққа чизел билан 15-18 см, айниқса 10-12 см чуқурликда ишлов берилган вариантларда эса кам йилликларни дастлабки миқдорига нисбатан 7-18; 5-7 ва 8 дона/м² га, кўп йилликларни эса 2,0 1,0 ва 3-4 дона/м² да кўпайганлиги ҳисобга олинган.

Тадқиқотларда тупроққа асосий ишлов бериш контур усулида 32-35 см ҳамда манба тежовчи технологияда чизел билан 15-18 см чуқурликда ўтказилган ва минерал ўғитлар меъёрлари тупроғи ювилмаган майдонларда $N_{200}P_{140}K_{100}$ ва оқова тўпланган қисмида $N_{100}P_{70}K_{50}$ кг/га меъёрларда ресурстежамкор технологияда табақалаштириб қўлланилганда, кузги буғдойнинг ҳосил кўрсаткичи бўлган бошоқ узунлигини тегишлича 9,7-10,0 см ва ундаги бошоқчаларни 19,5-20,4 дона, бошоқдаги донлар 49,0-49,9 донага ва уларнинг ҳамда 1000 дона дон массаларини 1,45-1,51 ва 42,0-43,3 г энг юқори бўлишини таъминлаган. Тажрибаларда ҳосилдорликни ва 1000 дона дон массасини орасида кучли ($y = 16,76 + 2,4 x$) ижобий корреляцион ($r = 0,94$) боғлиқлик борлиги аниқланган.

Тажрибанинг назорат (ўғитсиз), шудгор 25-28 ва 32-35 см ҳамда чизел билан 10-12 ва 15-18 см чуқурликларда ўтказилган вариантларда кузги буғдой дон ҳосили ўртача уч йилда тупроғи ювилмаган майдонларда 18,7-20,5 ва 16,3-17,6 ц/га, кучли ювилганида 17,4-19,4 ва 14,2-16,1 ц/га ва оқова тўпланган қисмида эса 19,9-21,6 ва 18,8-19,5 ц/га бўлганлиги аниқланган. Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, чуқурлиги ва кузги буғдой дон ҳосили орасида кучли

($y=23,66+14,86x+1,95x^2$) ижобий корреляцион ($r=0,77$) боғлиқлик борлиги аниқланган.

